КУТУБХОНАСИ

### “1-БОЁВУТ” ДАГИ ФОЖЕА

*Бу ўткинчи дунёда барчага меҳрли бўлиш, кимнидир нохуш ҳолда кўрсак, унин кўнглини хушнуд қилиш аслида ҳаммамизнинг инсоний бурчимиздир. Бу ўлчамли умримиз давомида бир-биримизга мунчалар озор берамиз?! Ҳатто биримиз бировимизнинг умр шамини арзимас сабаб билан ўчирамиз.*

2 -бет

### ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК–ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

*Мен иқтисодчи эмасман. Аммо Н. Назарбоевнинг ташрифи мобайнида Ўзбекистонда 73 та корхона Қозоғистон сармояси асосида, Қозоғистонда 86 та корхона Ўзбекистон сармояси асосида ишлаётганини билиб, кўп нарсани тушиниб етдим. Қўшма корхоналарнинг очилиши ва кўпайиши, шубҳасиз ҳар икки давлат иқтисодиётининг ривожланиши учун ўзига хос ҳисса қўшади. Янги иш ўринларини яратади.*

3 -бет

### АМРИ МАЪРУФ

*Яқинда бадавлат кишининг хонадонида бўлган амри маъруфда бу ривоят бошқача талқин қилинди. Маслаҳатда саховатли бойлар уламоларнинг илм ўрганиши ва амри маъруф қилишларига яхши шароитлар яратиб беришгани, масжидлар, кўприклар, йўллар қуришгани, камбағаллар, етим-есирларга ғамхўрлик қилгани учун жаннатга биринчи бўлиб кириши керак деган тўхтамга келишади.*

4 -бет

Mustaqil gazeta
# HURRIYAT
1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@yandex.ru № 12 (474) 2006-yil 29-mart

**«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади**

*Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!*
*Нашр кўрсаткичи — 233*

**Жараён**

# МУСТАҚИЛ МАТБУОТ– ОРИЯТЛИ МАТБУОТ

Маълумотларга кўра раҳбар лавозимидаги шахснинг бир кунлик иш вақтининг 50 фоиздан 90 фоизигача қисми ахборот олиш ва тарқатишга сарфланар экан. Лекин ахборотни қайта ишлашга кам вақт ажратилганлиги сабаб унинг тўғри ва ҳаққонийлигини текшириш кўпинча ҳиссиётларимиз ихтиёрида қолади. Бу эса ҳамма вақт ҳам яхши натижага олиб келавермайди. Жамиятда холис ва ҳаққоний ахборот тарқатишда эса мустақил матбуотнинг ўрни алоҳида. Агар миллий матбуотимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, XX асрнинг бошларида Туркистон заминида юзага келган жадидлар ҳаракати Туркистон ўлкасини истилочилар ва маҳаллий мустабидлар зулмидан фақат саводли ва маърифатли ёшларгина қутқаради, бу йўлдаги асосий восита матбуот эканлигини билдилар. Шу мақсадда жадидларнинг етакчи намоёндалари бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлонийлар бир нечта газета ташкил этди. Булар орасида 1906 йилда ташкил этилган “Тараққий” газетаси алоҳида ўринга .эга. Бу газета озодлик, маърифатпарварлик ғояларини илгари сурди, жадидларнинг қарашларига асосланиб, Туркистонда истиқлолнинг маънавий замини масаласига катта эътибор берди, илм-маърифатни ана шу истиқлол маънавий замини деб билди ва ўзбек миллатининг жаҳолатдан қутилиши учун курашди. “Бу газета,– деб ёзган



эди Абдулла Авлоний, – элнинг севиб ўқий турган бир газетаси бўла олди. Бу газета ўша замон мусулмон газеталари ичида энг сўли бўлиб, ҳукуматга ва унинг маъмуриятига қарши ўт очди. Бу газета ерли ёш ёзувчиларга саҳифасидан кенг ўрин берди”.Кейинги ўтган шўро тузуми даврида эса матбуотнинг жамият ҳаётидаги вазифаси тубдан ўзгарди.Ҳатто мустақил матбуот тамойиллари мутлақо унитилди.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг азалий қадриятларимиз қайта тикланиш баробарида миллий матбуотимиз асослари ҳам юзага чиқди ва ўз қадрини топди. 1993 йилда “Тараққий” газетасининг 1-сони чиққан 27 июнь санасини ўзбек журналистларининг касб байрами сифатида нишонлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. Бу миллий матбуотимизнинг халқимиз равнақидаги бекиёс хизматига берилган муносиб баҳодир.

Бугун ўзбек матбуоти яна бир довон ошди. Маълумки, мамлакатда мустақил, ўзини ўзи таъминлайдиган, замонавий демократик талаб ва стандартларга жавоб берадиган, мулк шаклидан қатъий назар ҳар қандай босма оммавий ахборот воситаларини шакллантириш, уларнинг моддий–техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш жараёнини қўллаб–қувватлаш мақсадида 2005 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб–қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилган эди. Ўтган қисқа вақт мабойнида мазкур жамоат фонди дастурида кўрсатилган қатор ишларни амалга оширишга улгурди. Яқинда Дедеман меҳмонхонасида ўтказилган “Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш––жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим омили” мавзуидаги республика конференцияси шулар жумласидан.



Конференцияда босма оммавий ахборот воситалари вакиллари, етакчи журналистлар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, бир қатор халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов бошқариб борди ва у кириш сўзи билан очар экан, бугунги кунда республикамиз ОАВ соҳасида жамоат, нодавлат институтлари ва тузилмаларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда ижодий фаолиятни қўллаб–қувватлаш борасида Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,

*(Давоми 2-бетда)*

**Тадбир**

## БАЙРАМЛАРНИНГ АВВАЛИ

Бу йил эзгу ният билан кўплаб тантаналарга мезбонлик қилишга тайёрланаётган Қашқадарёда ўтган ҳафта Наврўз байрамининг давомига уланиб кетган шодиёналар бўлиб ўтди. Сўлим ва қадимий Шаҳрисабзда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Соҳибқирон Амир Темур таваллудига 670 йил тўлиши муносабати билан Нахшаб ва Кеш шаҳарларининг инсоният тамаддунидаги ўрни ҳамда Темур ва Темурийлар меросини ўрганишга бағишганган республика конференцияси бўлиб ўтди. Юртимизнинг барча вилоятларидан вакиллар таклиф этилган, йирик олимлар иштирок этган анжуманни Бош вазир ўринбосари Рустам Қосимов табриклади. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов тўйлар муносабати билан бораётган тайёргарликлар, жумладан, бадиий адабиётда ушбу мавзуларнинг ёритилиши, яратилган асарларни кенг тарғиб-ташвиқ қилиш масалалари ҳақида фикр билдирди. Шундан сўнг йирик олимлар иштирокида мавзулар муҳокамаси бошланди. Машварат қизғин баҳс ва мунозаралар билан ўтди. Анжуман сўнггида намойиш этилган “Мумтоз наволар” мусиқали дастури тадбирга ўзгача руҳ бағишлади. Ёш Темурбек шарафига ўрнатилган ҳайкал пойида Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов, Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова ва яна бошқа кўплаб хушовоз хонандалар жўшиб куйладилар, хонандалар хиром этдилар.

Анжуман ўзининг юқори даражадаги тайёргарлик кўрилгани, салмоқли фикр ва мулоҳазаларга бойлиги билан яхши таассурот қолдирди.

**Ҳ. САТТОРОВ,**
**“Ҳуррият” мухбири**

**Хушхабар**

## “HURRIYAT” ЯНГИ ГРАНТ ОЛДИ
### яна 9 та газета грант танлови ғолиби бўлди

“Бўлар экан-ку”, деди тақдирлаш маросимидан сўнг бир ҳамкасбимиз. У бу гапни бежиз айтмади. Очиғи, биз шу пайтгача грант деганда фақат хорижий мамлакат ёки халқаро ташкилотлар томонидан муайян лойиҳа учун танлов асосида ажратиладиган маблағ ёки техник кўмакни тушинардик. Лекин бу галгиси ўзимизники бўлди. Грант танловини Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил қилди. Маълумотларга қараганда, бу гарчи мустақил матбуот фонди (ММF)нинг биринчи ташкил қилган грант танлови бўлишига қарамасдан унда жуда кўплаб мустақил босма нашрлар ўзларининг турли йўналишдаги лойиҳалари билан иштирок этишган. Лекин ғолиблик фақат ўнта, яъни, “Ҳуррият”, “Маърифат”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Маҳалла”, “Туркистон”, “Зерколо XXI века”, “Бекажон”, “7x7” (Андижон), “Деловой партнер. UZ”, “Ҳордиқ” (Сирдарё) газеталарига насиб қилган. Уларнинг ҳаммасига бир хил, 300 минимал маош (2 миллион 820 минг сўм) миқдоридаги моддий ва техник кўмак ажратилган. Газеталар ушбу маблағ ҳисобидан ўз веб-сайтларига ҳам эга бўлади.

Бундан ташқари болалар нашрларини рағбатлантириш, ўз веб-сайтларига эга бўлишлари учун “Тонг юлдузи”, “Гулхан”, “Ғунча” ва “Класс” журналларига ҳам махсус грант берилди.

Яна шуни илова қилмоқчимизки, ММF газета ёки ахборот агентликларини ривожлантириш, ададини кўпайтириш, дизайнини яхшилаш, ёш журналистлар малакасини оширишга қаратилган бир қанча таклиф ва лойиҳаларни ҳам қўллаб-қувватлашни ният қилган.

**МУХБИРИМИЗ**

**Нашр**



## “7 МЎЖИЗА” – ЯНГИ ГАЗЕТА

Ўтган ҳафта Республикамиз матбуотида яна бир нашр дунё юзини кўрди. Бадиий, тарихий, маърифий, ҳужжатли ҳафталик газета — “7 Мўжиза” Наврўз байрами арафасида юртдошларимиз учун туҳфа бўлди, десак, янглишмаган бўламиз. “Янгилик плюс” М.Ч.Ж. муассислигида ташкил этилган бу газета ўзининг ўқишлилиги, ундаги мақола ва янгиликларнинг ранг-баранг ҳамда бетакрорлиги билан ажралиб туради. “Машҳурлар ҳаёти”, “Кашфиётлар тарихида”, “Илм-фан янгиликлари”, “Машҳур еттиликлар” каби саҳифалар муштарийларни бефарқ қолдирмайди. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ҳаёт янгиликлари ҳақида ўзингиз излаган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

“Ўзбекистоннинг 7 мўжизаси” танлов-викторинасини миллий қадриятларимиз ва бой тарихимизни тиклашдаги қадамларининг дебочаси дейиш мумкин. Газетанинг бошқа нашрларга тақлидсиз услуби эса эътиборга моликдир.

Дарвоқе, газетанинг илк сонидан 1000 донаси ўз муштарийларига бепул тарқатилди. Бундан мақсад, нафақат газетани тарғиб-ташвиқ этиш, балки юртдошларимиз қалбига зиё ҳам улашишдир.

Бутун дунё нафаси уфуриб турган “7 Мўжиза” газетаси келажакда ёшлар овози янграйдиган минбар бўлишига умид қиламиз.

“7 Мўжиза”дан “мўжизалар” кутинг.

**Хайриддинмурод АБУЛФАИЗОВ,**
**талаба**

**Кўргазма**

## ФОТОСУРАТЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

**Тошкентдаги замонавий санъат марказида ҳаваскор фотосуратчиларнинг Республика кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубиёт маркази, “Олтин Мерос” Халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Тошкент фото уйи билан ҳамкорликда ўтказилди.**

“Ҳомийлар ва шифокорлар” йилига бағишланган ушбу кўргазмада Она-Ватанни, меҳр-муҳаббатни, меҳнат ва мустақилликни, миллий меросимиз, қадимий анъаналаримиз ва қадриятларимизни тараннум этувчи фотоасарлар намойиш этилди.

Кўргазма мамлакатимизнинг барча вилоятларида яшаб ижод қилаётган ҳаваскор фотосуратчиларни бадиий ижодга рағбатлантириш, уларнинг маҳоратини оширишни кўзда тутган эди. Шуниси қувончлики, танловга мамлакатимизнинг турли жойларидан 700 га яқин фотосуратлар тақдим қилинди ва улардан 400 тадан ортиғи танлаб олиниб, кўргазмага тавсия этилди.

Кўзгазманинг ёпилиш маросимида ҳакамлар томонидан танлов-кўргазманинг ғолиблари аниқланди. Биринчи ўрин шаҳрисабзлик ҳаваскор фотосуратчи Шерниёз Қаюмовга, иккинчи ўрин самарқандлик Николай Султоновга ва учинчи ўрин қорақалпоғистонлик Саламат Елмуратоваларга насиб этди.

Шунингдек, “Маҳаллалар ҳаёт тарзини моҳирона тасвирлагани учун” Тошкент шаҳридан Раҳмонберди Исломов, “Миллий урф-одат ва маросимларни маҳорат билан акс эттиргани учун” шўрчилик Бекназар Тошпўлатов, “Замондошлар қиёфасини тўлақонли акс эттиргани учун” оҳангаронлик Ш. Султонов шу номдаги номинациялар ғолиблари деб топилди. Ғолиблар ва кўргазманинг фаол иштирокчилари “Олтин Мерос” Халқаро хайрия жамғармаси, ташкилотчи ва ҳомийлар, Тошкент фото уйи, Бадиий академия томонидан таъсис этилган сертификат, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**“MEROS-NEWS”**
**ахборот хизмати**

**Семинар**

## МОНИТОРИНГ — ОГОҲ ЭТУВЧИ

Яқинда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида “Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари” мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда депутатлар, сенаторлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва юридик таълим муассасалари илмий ходимлари иштирок этди.

Семинарни мазкур мониторинг институти директори Фозилжон Отажонов кириш сўзи билан очар экан, институтимиз йил давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг норма ва қоидалари тўлиқ рўёбга чиқарилиши ҳамда уларнинг қўлланилиши, шунингдек қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслиги ва уйғунлиги юзасидан мониторингни ўтказиш соҳасида маълум даражада тажрибага эга бўлди. Жумладан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунларни қўллаш амалиётининг мониторинги ўтказилди. Бундан ташқари институтимиз томонидан қонун лойиҳаларига эксперт баҳолари берилди ва юздан ортиқ ҳуқуқий хулосалар тайёрланди, дея таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг мазкур институт директори ўринбосари, юридик фанлари доктори Шуҳрат Файзиев сўзга чиқиб, семинарнинг асосий вазифаси бўлган амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчаси, турлари, мақсад ва вазифалари, тамойиллари, асосий йўналишлари, босқичлари, объект ва субъектларига тегишли бўлган муҳим масалалар ҳақида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонун ҳужжатлари мониторингининг асосий йўналишларининг ҳозирги ҳолатига тўхталиб ўтди.

Семинар давомида қонун ҳужжатларининг мониторинги бугун қандай бўлиши керак, ким унда иштирок этиши керак ва унинг аҳамияти ва самараси ошиши учун уни қандай усулларда ўтказиш зарурлиги каби саволлар юзасидан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Тадбир сўнггида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш марказининг иш бошлаганлиги ҳақида мазкур марказ директори Хожимурод Исаков маълумот берди.

**Бунёд ЗОҲИР**

**Муаммо**

# ЛИЦЕНЗИЯ ШАРТ... ЭМАСМИ?

Бугун қишлоқ хўжалигида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликларига ҳар томонлама кўмак беришда компаниямиз ва унинг жойлардаги корхоналарининг ҳам ўз ўрни бор. Чунки фермер хўжаликлари ёнилғи мойлаш материаллари билан ўз вақтида таъминланганидагина олинадиган ҳосилнинг чўғи баланд бўлади, режалар ортиғи билан бажарилади. Бундан эса давлат ва жамият ҳам, фермер ҳам бирдек манфаатдор бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 8-сонли қарорига асосан компания ва унинг тизимидаги унитар корхоналар зиммасига тугатилган ширкат хўжаликларидан бўшаган нефть омборлари негизида замонавий талабларга мос фермерларга ёнилғи тарқатиш шохобчалари (ФЁТШ) ташкил этиш ва самарали фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси юклатилган. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз яхши самара бераётганини айни пайтда фаолият юритаётган 858 та ФЁТШ мисолида ҳам кўриш мумкин. Бироқ...

Айрим назорат органлари томонидан тизимдаги ФЁТШлар орқали нефт маҳсулотларини фермерларга тарқатиш лицензиясиз амалга оширилган, деб баҳоланмоқда. Қизиғи шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 инюдаги “Нефт маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 289-сонли қарори билан тасдиқланган “Нефт маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги Низомда хусусий АЁҚШлар лицензия асосида фаолият юритиши қатъий белгиланган бўлиб, ФЁТШларга нисбатан бу талаб қўлланилмаган. Чунки улар хусусий АЁҚШлардан фарқли ўлароқ, нефт маҳсулотларини сотиш эмас, балки тарқатиш билан шуғулланади. Қолаверса, ФЁТШлар юридик мақомга эга эмас, лицензияга эга унитар корхоналарнинг бир бўлаги, холос. Бу масала юқори ташкилотлар томонидан ўрганиб чиқилди. Адлия вазирлиги, “Ўздавнефтгазинспекция”, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда компаниямиз масъул мутахассисларининг фикрлари жамланган ҳолда ФЁТШлар орқали нефт маҳсулотларини тарқатиш (сотиш эмас) учун алоҳида лицензия олиши шарт эмас, деган хулосага келинди.

Шунга қарамай, Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари “Фарғона нефт база” унитар корхонасида ҳужжатли текширув ўтказишган. Текширувда корхона тасарруфидаги туманларда жойлашган 6 та ФЁТШ лицензиясиз фаолият юритган, деб топилиб, 8 миллион 139 минг 600 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган. Фарғона шаҳар ДСИнинг ушбу қаоррини бекор қилишни сўраб вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритдик. 2005 йил 9 сентябрда Д. Хўжамбердиев раислигида кўриб чиқилган хўжалик иши ҳужжатлар, далиллар асосида ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, даъвомиз тўлиқ қаноатлантирилди. Бироқ, орадан анча вақт ўтгач, Фарғона шаҳар прокурори протестига кўра бу масала Олий хўжалик судининг кассация инстанциясида кўриб чиқилиб, вилоят хўжалик судининг қарори бекор қилинди. Таъкидлаш керакки, бунда зарур ҳужжат ва далиллар инобатга олинмасдан Фарғона шаҳар солиқ инспекциясининг катта инспектори О. Шодиевнинг кўргазмаларига асосий эътибор қаратилди. У судда берган кўргазмасида Адлия вазирлиги томонидан берилган хатда кўрсатиб ўтилганидек, унитар корхонанинг ўзига берилган лицензияси бошқа ФАЁҚШ (аслида ФЁТШ)лар учун ҳам тааллуқли бўлса, нега улар 6 та ФАЁҚШга лицензия олишди, деган фикрни илгари сурган. Бунга жавобан айтиш мумкинки, солиқ идоралари ходимларининг талаби билан айрим унитар корхоналаримиз шошма-шошарлик билан ФЁТШларга лицензия олишга мажбур бўлишган. Шу жумладан “Фарғона нефт база” унитар корхонаси ҳам. Ахир, аксарият вилоятларда ФЁТШлар юридик шахс бўлмаганлиги, ёнилғи мойлаш маҳсулотларини фақатгина унитар корхона берган рўйхат орқали тарқатганлиги учун шу пайтгача лицензия олишмаган. Бунинг учун солиқ ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари лицензиясиз фаолият кўрсатганликда айблаб жарима солишгани ҳам йўқ.

Бундан ташқари, кассация инстанцияси жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг “Фарғона нефт база” унитар корхонаси директори М. Мўминов ва бошқаларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича чиқарилган 2005 йил 19 июлдаги ҳукмини ҳам далил сифатида келтирган. Суд ҳам, тергов органи ҳам унитар корхона 6 та ФЁТШга лицензия олган, демакки, бошқаларига ҳам олиш керак деган фикрни жиноий ишга асос қилиб олган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга соладиган Адлия вазирлигининг хулосаси эса эътиборга олинмаган.

Шу ўринда айтиш кераки, 2006 йил1 январь ҳолатига унитар корхоналаримизнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларига етказиб берилган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари бўйича дебиторлик қарзлари мавжуд. Бу унитар корхоналаримизнинг иқтисодий аҳволини ёмонлашувига олиб келаяпти. Шунга қарамасдан ички имкониятларимизни ишга солиб, жорий йилда 280 та ФЁТШ ташкил этишни режалаштирганмиз. Бунинг учун эса маблағ зарур. Ана шундай масъулиятли паллада фаолиятимизга доир қонунчилик талаблари нотўғри талқин қилинганлиги оқибатида судма-суд сарсон-саргардон бўлишга, ҳаттоки жарима тўлашга мажбур бўлаяпмиз. Юқоридаги ҳолатни, агар тўғри ҳисобласак, унда мавжуд 858 та ФЁТШга яна алоҳида лицензия олиши зарурми? Ваколатли идоралар бизга кўмак бериб, шу муаммога аниқлик киритиб беришса, мақсадга мувофиқ бўларди...

**Тамара ЗОҲИДОВА,**
**“Ўзнефтмаҳсулот” акциядорлик компанияси ҳуқуқий бўлим бошлиғи**

Муносабат

***Шундай дин вакиллари борки, уларнинг амру маъруфлари ҳар қандай шахснинг руҳиятига ижобий таъсир этмай қолмайди. Улар ҳалимликни канда қилмайди. Овозини меъёридан ортиқ кўтармайди. Нур ёғилиб турган қиёфаларини ўзгартирмайди. Эътиқодсиз кишиларнинг нафсониятига тегадиган бирорта сўз айтмайди. Виждон эркинлиги тўғрисидаги қонун талабларига сидқидилдан риоя қилишади. Ўзга диндаги халқларнинг ҳам ҳурматини жойига қўяди. Шубҳасиз, бундай амри маъруфларни тинглаган ўзга диндаги кишиларнинг ҳам ислом динига муҳаббати ортади.***

# АМРИ МАЪРУФ

***яхшиликка етаклаш. Фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш эмас***

Уларнинг маърузалари фақатгина диний аҳамиятгагина эмас, салмоқли дунёвий аҳамиятга ҳам эга бўлади. Маърузаларда кишилар тўғриликка, ҳалолликка, адолатга, ахлоқ меъёрларига риоя этишга самимий равишда даъват этиладики, бу таомиллар ҳар қандай жамиятнинг тараққий этишининг бош мезонидир.

Киракаш ҳайдовчи: "Ашулалардан қўйиб берайинми ёки амри маъруф эшитасизми?" — деб савол берганида, маъруза эшитишга мойиллигимни билдирдим. Тасмага техник жиҳатдан сифатли қилиб ёзиб олинган менга нотаниш бўлган кишининг кимнингдир тўйида қилган амри маъруфи эшиттиришга қўйилди. Маърузада анчагина яхши гаплар эҳтирос билан айтилди. Ана шу эҳтирос сабаб бўлдими, бизнинг назаримизда маърузада муқаддас динимизга ҳам, амалдаги қонунларимизга ҳам мос келмайдиган, динга ҳам, жамиятга ҳам фақат зарар келтирувчи гаплар айтиб юборилди.

Маърузачининг айтишича, бенамоз кишининг бетидан номозхон одамнинг ҳар куни беш марта ювиладиган кети тоза эмиш. Чўчқа: "Бенамоз инсон қилиб яратмай, сассиқ чўчқа қилиб яратганингга шукур", — деб Тангрига шукрона қилган эмиш. Ахир бу бенамоз кишини очиқчасига ҳақоратлаш-ку. Муқаддас китобларнинг барчасида амри маъруф ҳалимлик билан эшитувчиларга малол келмайдиган, бировнинг иззат-нафсига тегмаган ҳолда олиб борилиши уқтирилган. Пайғамбаримизнинг "шайтонни сўкманглар" деган ҳадисларини мадраса кўрмаган кишилар ҳам яхши билишади. Динимизда шайтонни сўкиш таъқиқланган экан, мавжудодларнинг энг улуғи қилиб яратилган инсонни (у даҳрий бўлган такдирда ҳам) сўкиш гуноҳ эмасми? Халқимизда: "яхши гап билан илон инига киради, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқади", — деган ҳикматли нақл бор. Ҳеч қачон даҳрий шахсни ёмон гап билан мўмин кишига айлантириб бўлмайди.

Маърузада эркак киши аёлини бошқалардан қизғаниши, акс ҳолда у даюс деб номланиши ҳақида жиддий гаплар бўлди. Мен шу мазмундаги маърузани масжидда жума намози вақтида ҳам эшитган эдим. Гап эрига хиёнат қилувчи бузуқ аёллар ҳақидагина бўлганида эътироз билдирмаган бўлар эдик. Аммо иккала маърузачи ҳам асосий урғуни ясан-тусан қилиб кўчага чиқиб кетаётган аёлига, қизига, синглисига, келинларига бепарво қараб турадиган эркакларга дашном беришга қаратишди. Ўз олдиларига одамларни гуноҳ ишлардан қайтариб, савоб ишларга жалб қилишни мақсад қилиб олган маърузачиларимиз ясан-тусан билан кўчада юрган аёлларимиз шаърий савоб ишлар билан машғул эканликларини наҳотки кўришмаётган бўлишса? Еттинчи асрдаги тошу тарози билан XXI асрда тарозибонлик қилиш тўғри бўлармикин? Биз маърузачиларимизнинг даъватларига жавобан бирорта аёлимизни кўчага чиқармай қўйсак, оиламиз ҳам, жамиятимиз ҳам меҳваридан чиқиб кетмайдими? Асосий ишчи кучини аёлларимиз ташкил қиладиган мактабларимиз, касалхоналаримиз, саноат корхоналаримиз ҳувуллаб қолмайдими? Пахта далаларимиз тиканзорларга айланиб кетмайдими?

Амри маъруф қилиш мақомига эришган уламоларимиз Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунини яхши билишлари ва унга қатъий риоя қилишлари лозим-ку. Маърузаси тасмага ёзиб олинган уламо ана шу қонундаги:

— Виждон эркинлиги — фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

— Фуқароларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

— Ҳеч ким диний эътиқодини рукач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятларини бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас.

— Диний ташкилотлар фуқароларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас деган ислом динига ҳам, адолатга ҳам мос кўрсатмаларга риоя қилганида бенамозларга нисбатан ҳақоратли гапларни айтмаган бўлар эди.

Шу ўринда бир ривоятни маърузачилар томонидан турлича талқин қилиниши ҳам яхши самара бермаслигини айтиб ўтмоқчиман. Анча йиллар илгари радиодан бир ривоят эшитган эдим. Унда жаннатга кириш насиб этган шаҳидлар, уламолар, деҳқонлар қайси гуруҳ жаннатга биринчи бўлиб кириши ҳақида маслаҳатлашади. Уламолар: "Жаннатга биринчи бўлиб дин йўлида жон фидо қилган шаҳидлар киришсин", — деган таклифни беришади. Шаҳидлар эса: "Биз уламоларимизнинг амри маъруфлари билан шаҳидлик мақомига эришдик. Уламолардан олдин жаннатга кирмаймиз", — дейишади. Уламолар эса: "Тангрининг инояти билан деҳқонлар озиқ-овқатлар етиштирмаганларида, биз илм ўргана олмас эдик, амри маъруф ҳам қилолмас эдик. Жаннатга биринчи бўлиб деҳқонлар киришсин", — дейишибди. Бу таклиф ҳаммага маъқул бўлибди.

Яқинда бадавлат кишининг хонадонида бўлган амри маъруфда бу ривоят бошқача талқин қилинди. Маслаҳатда саховатли бойлар уламоларнинг илм ўрганиши ва амри маъруф қилишларига яхши шароитлар яратиб беришгани, масжидлар, кўприклар, йўллар қуришгани, камбағаллар, етим-есирларга ғамхўрлик қилгани учун жаннатга биринчи бўлиб кириши керак деган тўхтамга келишади.

Менинг хаёлимдан бу маъракада чопон киядиган уламомиз ривоятга ҳам чопон кийгизиб юборди-ку, деган фикр ўтди. Эҳтимол, мен ноҳақдирман. Ривоятнинг асл китобийси уламо айтганидекдир. У жаннатга биринчи бўлиб деҳқон кириши ҳақида ривоят борлигидан хабари йўқдир. Эҳтимол, эшиттиришни тайёрлаган радиожурналист деҳқонни улуғлаш мақсадида атайлаб ривоятга бошқача тус бергандир. Журналистнинг хатоси эвазига китобий гапни айтган билимдон уламо менинг кўзимга таъма илинжида диний ривоятларни ҳам ўзгартириб юбораверадиган шахс бўлиб кўринаётгандир.

Биз амри маъруф қилувчи уламоларимизнинг тирноқлари орасидан кир қидириб уларга дашном бериш фикридан йироқмиз. Уларнинг тирноқлари орасида ҳам кир бўлмаслиги тарафдориман.

**Абдураҳим НАЗАРОВ,**
**Андижон вилояти, Балиқчи тумани**

Танловга

# ЧЎПОННИНГ ОРИ

***(Бувимнинг ҳикояси)***

**Қурбон ота кечаси билан тўлғаниб, ухлай олмай чиқди. Чунки ҳар кеча у қўйлари ёнида ухлар ва каллаи–саҳарлаб отарни янги яйловлар томон ҳайдар эди. Кеча эса ғурури туфайли салкам 60 йил ишлаган, ҳаётининг мазмунига айланган чўпонлик касбидан воз кечди.**

Қурбон ота ҳар доимгидай бугун ҳам каллаи–саҳарлаб турди ва алаҳсираб чўпон таёғини қидира бошлади. Ўзига келганида эса уйида эканлигини англаб ҳўрлиги келди. Лекин ғурур қурғур яна қўймади. Шунда у чўпонлар оламига илк келган дамларини эслаб дала айланди.

Очарчилик йиллари эди. Қурбон ота ўшанда чамаси 3–4 ёшларда бўлган бўлса керак. Ҳарқалай, базўр хотирлайди. Кеч куз эди. Абдулла чўпон қўй боқиб юрган пайтида қамишлар орасидан боланинг чинқирган овозини эшитди. Бўрибосар ити ундан илдамроқ чиқиб, қамишзор оралаб чопиб кетди. Абдулла чўпон эса унинг орқасидан борар-кан,овознинг тинганини эшитди. Сал юриб қараса, ваҳшийлиги билан ном қозонган Бўрибосар ярим яланғоч ўтирган боланинг олдида юз–кўзларини ялаб ўтирибди.Абдулла чўпоннинг кўнгли бузулиб кетди ва болани кўтариб бағрига босганча, замонга лаънатлар айта–айта уйига олиб кетди, фарзанд қилиб олди. Абдулла чўпоннинг фарзандлари кўп эди. Лекин шу етимчанинг кўнгли ўксимасин, деб бошқача меҳр билан катта қилди. Доим ўзи билан олиб юрди, сўнгги дамларида ҳам уни эслаб, "Агар Қурбонжонимни бирорталаринг хафа қилсаларинг гўримда тик тураман..." деди.

–Ҳа, бебаҳо одам эди...– деб кўзида ёш билан эслади Қурбон ота болалигини. Бўрибосарни ҳам жуда яхши кўрар эди. Биргаликда қўй боқиб келгандан сўнг аввал ит овқатланар эди, кейин эса ўзи. Одатий кунларнинг бирида дастурхон атрофида бутун оила жам бўлиб, кечки овқатни бошлаган ҳам эдики, Қурбон:

– Янга, Бўрибосарга овқат бердиларингизми?– деб қолди.

––Йўқ, эсимиздан чиқибди, ҳозир,– деди янга қўрқа–писа ва турмоқ учун энди қўзғалган эди, Қурбонжон индамай туриб келди–да, янгаларининг олдидаги овқатни кўтариб Бўрибосарнинг идишига қуйиб келди. Ўшанда на Абдулла чўпон, на тутинган акалари лом-мим демаган эди.

Хаёллар оғушида далани бир айланиб, яна уйи ёнига келиб қолди. Таҳорат олиб бомдод намозини ўқиди ва сўнгра чойга ўтирди. Ўғиллари бирма–бир салом бериб, яхши кун тилаб кириб кела бошлади...

Чой сўнггида фотиҳадан кейин ўғли Ваҳоб сўз қотди.

– Ота, кечаги ишингиздан сўнг раис менга отарни топширди.

– Берса олавердингми, энағар?!– деди аччиқланиб Қурбон ота ва озгина сукутдан сўнг юмшаб,–"Майли, болам, энди менинг бир оёғим ерда бўлса, бир оёғим гўрда. Шунча йил чўпонлик қилиб кам бўлганим йўқ. Ҳаммангни ўқитдим, уйли–жойли қилдим. Қолаверса, отарнинг корига сенлар ярамасаларинг бошқа ҳеч ким эплай олмайди..."–дея оқ фотиҳа берди

Қурбон ота мана салкам 60 йил чўпонлик қилган бўлса, шунинг орқасидан эл ичида обрў–эътибор орттирди. Москвага йиғилишларга, Қримга дам олишларга бориб келди. Дунёни кўрди. Ҳаммасига ҳалол меҳнати туфайли эришди.

У ҳамма медаль ва бойликларини чўпон таёғининг ичини ковак қилиб ўйиб, унинг ичида сақларди. Ўтган куни эса тоғ тепасидаги кўлда қўйларни суғораётган пайти таёғи кўлга тушиб йўқолди. Шунда у, "шунча қилган меҳнатим бекор экан–да, демак, топган бисотим ҳаром экан–да, мен ҳам!!!"–дея чўпонликни ташлади. Раис келди... бўлмади, ҳоким келди... унамади. Ғурур қурғур йўл қўймай тураверди. Ғурурлилик чўпонларга теккан касаллик. Ўша очарчилик йилларида Абдулла чўпон уни топиб олмасидан сал вақт олдин, унинг катта ўғли Нурали икки қишлоқ наридаги қайнотасиникига меҳмонга боради. Терлаган оти ташқарида совуқда қолади ва эрталаб туриб қараса, от ўлиб ётибди. Шунда у отасига одам юборади. Отаси эса, " Йигитнинг ори, йигитнинг қаноти унинг отидир, оти ўлган бўлса, менинг ўғлим ҳам ўлган. Энди менинг унақа ўғлим йўқ!"–дебди. Шу–шу тўнғич ўғли Нурали йўқ бўлиб кетибди.

Қурбон ота шу зайлда бир йилча юрди. Кунларнинг бирида у сафдошлари билан қўшни қишлоққа тўйга бораётганда йўлда чашмадан сув ичиш учун тўхтади. Сув ичаётганида эса, не кўз билан кўрсинки, зилол сув тубида ўша йўқотган чўпон таёғи турибди. Ҳайқирганча. ўзини сувга ташлади. Таёқни олиб чиқиб, ўзи ясаган бурама қопқоғини очди ва ҳайқирганча, ичидаги дуру олтин тангаларни сочди... Барчаси ҳалол, барчаси ҳалол!!!

Ҳалол таёқ тоғ тепасидаги кўлдан тошлар оралаб сизиб, тоғ қўйнидаги чашмага келиб қолган эди.

**Бунёд АБДУЛЛАЕВ**

Ҳажвия

# "М" ҲАРФИНИНГ МАШ-МАШАЛАРИ

"Ёзувчи нафақага чиқмайди". Тоғай Мурод айтган. "Ёзувчи дам олаётганда ҳам ишлайди". Абдулла Қаҳҳор айтган. Масалан, бировнинг оёғини трамвай босиб кетса, ёзувчи вазиятни, одамларнинг ўзини тутишини тасвирлаб қоғозга тушириб қўйиши керак. Мабодо қачонлардир асар ёзишда шу эпизодга зарурият туғилса ҳеч ким оёғини трамвайга бостириш учун рози бўлмайди...

Кеча эрталаб бекатдаги манзарани кўриб Абдулла Қаҳҳорнинг шу гаплари эсимга тушиб кетди. Тумонат одам — ўртада трамвай. "Ёзувчи бўлиш пайти келди", — ўйладим, ўзимча. Афсус, ҳеч кимнинг оёғини трамвай босмабди. Негадир ҳафсалам пир бўлди. Агар мендан ёзувчи чиқмаса, айб трамвайда, деб овунган бўлдим-да, ўзимни одамлар орасига урдим. Чунки трамвайдан қолиб кетишим мумкин эди. Бироз ўтгач, ўзимни одамларнинг ўртасида кўрдим, кейин трамвайга чиқиб олганимни сездим, сўнгра эса... Қаршимда башарасини башарамга тираб турган мавжудоднинг ким эканлигини билолмадим. Эркак бўлса керак деб ўйладим, аёлмикин, йўқ, эркак экан... ё адашдимми?!

Одамлар тўлқини секин-секин чайқалди. Орқадан ҳайқириқлар эшитилди. Вақтлироқ ҳаракат қилмаганимда, демак, мен ҳам сўкинишдан бошқа илож тополмай қолар эканман. Ҳар ҳолда қаршингда сенга қапишиб турган, жинси номаълум одамнинг нафаси нафасингга қўшилиб кетса ҳам, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Трамвайга минишни эплаганга чиқарган. Айниқса эрталаб.

"Ҳуррият" газетасининг энг охирги бетининг энг тагига кичкина қилиб "Ўзингни англаб ет!" деб ёзиб қўйилган. Шиор бўлса керак. Мана ҳақиқий савол, "Заковат" ёки "Қилни қирқ ёриб" кўрсатувларига: "Ҳуррият" газетасининг шиори нима?" Ҳеч ким тополмайди. Кўзойнак тақмаганларни назарда тутяпмиз. Нега айнан ҳозир трамвайда бу сўзларни эслаб қолдим экан-а?! Ҳа-я, ўзингни англашинг учун ёнингдагиларнинг ҳам кимлигини билишинг керак-да! Олдимда турган номаълумнинг кимлигини билишга уриниб кўрмоқчи бўлдим...

Ия?! Трамвайнинг таги йўқми?! Нега оёғим ерга тегмай қолди? "Бошинг осмонга етса ҳам, оёғинг ердан узилмасин" деган мақолга риоя қилиб тубанга тушишга интилдим. Евтушенко айтгандай, тубанликнинг чораси йўқ, қанча ҳаракат қилмай ҳеч пастга етолмайман. Бир куч шундай сиқиб келаётган эдики, одамлар бир-бирига тобора сингишиб борарди. Кейин билсам, ўша куч кондоктор экан. "Жасорат" деган орден ўйлаб топиш керак-да, шу хотинга бериш керак. Шунча одамни ёриб ўтяптия? Йўловчиларнинг эсига чўнтак ковлаш тушиб қолди-ку! Кимдир ойлик чиптасини қидиради, яна кимдир ойлик чиптасини... Шунда чўнтагимда бир нима қимирлай бошлади. Аввалига ўзимнинг қўлим бўлса керак деб парво қилмадим. Қаршимда турган одамнинг орқасидагими, ё унинг орқасидагими юзимга бир тарсаки туширди. Ҳар ҳолда мўлжалдан адашди, шекилли.

— Торт қўлингни, куппа-кундузи-я? Уялмайсанми? — деб ўшқирди кимдир. Кейин қўшиб қўйди. — Ўғирлик қилгани... демоқчи эдим.

— Унда менинг чўнтагим қани? — бўш келгим келмай бақирдим.

Жанжал шу ерда тугади. Чунки қаршимдаги одамнинг орқасидагининг орқасидагисидаги уялмай, бемалол акса уриб юборса бўладими? Юзимга нимадир шундоқ ёпишиб қолди. Артиб ташламоқчи бўлиб чўнтак ковладим, қўлимда аёлларнинг рўмолчаси турибди, бу нимаси энди? Кимники экан-а? Қўлим бир силтанди-да, дастрўмол юлқиб олинди. Эгасини топди, чамамда. Иложсиз қолиб енгим билан афтимни артмоқчи бўлсам, "Ҳеч, бу менинг юзимку!" — дейди биттаси. Унда менинг юзим қани?! Ўзимча, жаҳл қилган бўлиб, шартта ўгрилдим. Йўқ, шундай деб фараз қилган эканман. Лекин ҳаракат бекор кетмади. Башарамдаги қаергадир... ҳа, қаергадир...

Инсон бахтсизликдан ҳам бахт топиб яшаса, бўлади. Масалан, ўзингни тиқилинчдаман деб ўйламайсан. Яхши нарсалар ҳақида ўйлашга ҳаракат қил. Мисол учун, аёлларимизнинг байрами ҳақида, уларнинг йилдан йилга эъзозланаётгани ҳақида ўйлаш керак. Ахир онагнинг, аёлингнинг, қизингнинг байрами сенинг ҳам байраминг эмасми? Яна ўзингни табиат қўйнидаман деб тасаввур қил. Бунинг учун трамвай деразасидан ташқари қарасанг бўлди. Худо ҳам бўйдан берган. Агар пакана бўлганингда нима қилардинг? Кўрдингми, бу ерда сендан кўпроқ қийналаётганлар бор. Мана биттаси, пастдан: "Ҳе, онангни..." деган сўкиниш эшитилди. Худди ҳеч эшитиб юрмагандай йўловчилар "муаллиф"ни қидира бошлади. Бечора нима деб қўйганини англаб қолдику! Дарров айбини ёпди: "Мен сўкаётган одам бу ерда йўқ!" Хайрият йўловчилар тинчланиб олишди. Тинчланмаганда ҳам қўлидан нима келарди?

— Ҳей, тепадагилар! — Яна ўша овоз. — Ҳаво етмаяпти!

— Ҳаво етмаса. Ким сенга трамвайга чиқсин деди. Таксида кет! — Бунчалик бепарво оҳангда гапириб бўлишни ҳозир эшитишим. Яна сўкиниш... Лекин ҳеч ким миқ этмади. Чунки шофёр сўкаётган экан. Сабаб эшик ёпилмаяпти. Кондуктор хотин бир томондан, ҳайдовчи эркак бир томондан тепиб-тепиб эшикни ёпиш бахтига муяссар бўлишди. Ўзи трамвайга эшик нима керак? Олиб ташланса-ку, яна икки учта кўпроқ одам чиқиши мумкин...

... Домламиз менга нуқул "битта ҳарф кўп нарсани ҳал қилиб юборади. Сен бўлсанг, фақат ҳарфларни ташлаб ёзасан", — дерди-я. Эсиз, қадрига етмаган эканман. Мана, кўриб турибман, "М" ҳарфининг машмашаларини...

ММабодо, "М" ҳарфидан бошланувчи манзилга етиб олсам, қайтишда "М" ҳарфидан бошланувчи "ММаршрутка"га мминаман...

Ҳа, дарвоқе, қаршимдаги одамнинг кимлигини айтмоқчи эдим-а?! Қўйинг, баҳор айёми кунларида кайфиятингизни бузмай қўя қолай. Лекин шуниси аниқки, қаршимдаги "башара" эмас, "чеҳра" экан.

Айтган эдим-а, бахтсизликдан ҳам бахт топса бўлади, деб...

**ЖИЗЗАКИЙ**



Изоҳга ҳожат йўқ
А.ҲАКИМОВ чизган

Нашр

# ЯНГИ ДАРСЛИК

Илк бор ҳарф таниб, китоб қўлимга олганимдан бери, бир ақидага жуда ишонаман: янги китоб яралдими, у билан бирга янги бир ғоя туғилади. Китобхоннинг маънавиятини ошириш ва илмий салоҳиятини юксалтиришга ёрдам берувчи ғоялар тўплами бўлган яна бир янги китоб қўлимда. Ундан эзгу ғояларни "териб" олишга ташнаман.

Ибодулла Эргашев масъул муҳаррирлигидаги "Миллий истиқлол ғояси" номли Ўзбекистон Республикаси Олий бакалавриат босқичи учун дарсликнинг нашрдан чиқиши мамлакатимиздаги ёшлар онгига миллий мафкурани сингдириш йўлидаги ислоҳотларнинг бир кўриниши, десак, хато бўлмайди. Мазкур дарслик Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўрганиш бўйича махсус курс иштирокчилари томонидан тасдиқланган дастур асосида тайёрланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан нашрга тавсия этилган. Дарсликдаги асосий мавзуларни жамият тараққиётида ғоя ва мафкуранинг ўрни, инсон ҳаётига мафкуранинг таъсири, глобаллашув жараёнларида миллий ғояга эҳтиёж, мафкуравий иммунитет ва ғоявий манипуляция қамраб олган. Эътиборга молик жиҳати, ҳар бир мавзунинг асосий бўғинида миллий ўзликни англаш ётади. Зеро, бу масала ҳар қандай эзгу ғояни шакллантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Китобхон онгига тез етиб бориши учун жумлалар аниқ ва лўнда ифодаланган, тарихдаги буюк мутасаввуфлар фикрлари, шоирларимиз ғазаллари келтирилгани билан бошқа нашрлардан фарқ қилади. Миллий ғояни тарих билан, жумладан жадидчилик ҳаракати билан боғлаб ёритиш, халқнинг миллий маънавиятини ошириш учун жон фидо қилган жадидлар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Адбурауф Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхоновлар фаолияти билан таништириш дарсликнинг ютуқли томонларидандир.

Дарсликда ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, янгича дунёқарашни ўстириш, ғоявий бўшлиқ вужудга келиши ва ёт мафкуралар ортидан эргашишнинг олдини олиш масалаларига чуқур урғу берилган. Мавзуларнинг бирида ўрин олган жумлага эътиборингизни қаратмоқчиман: "Миллий истиқлол ғоясига ишонч ва эътиқоди бўлган ҳар бир киши нософлом фикрга соғлом, эзгу фикрлар билан жавоб беради. Ўзининг фикрига эга бўлади. Ўзининг эркин фикрига эга бўлмаса, жавоб бера олмайди". Китобнинг асосий мазмун-моҳияти шу сўзларда акс этаётгандек. Бу ёшларни жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга, бунинг учун эса ўзида ҳурфикрлиликни шакллантиришга даъват этмоқда.

Китоб билан танишгач, беихтиёр Арастунинг сўзлари ёдимга тушди: "Очганингда ҳузурланиб, ёпганингда руҳан бойитган китобгина яхши китобдир". Ёшларнинг руҳан бойишида хизмат қилиб, маънавиятини оширувчи бундай китоблар барча бакалавриат босқичида таълим олувчилар қўлига етиб борса, бу уларнинг келгусидаги эзгу режалари учун ажойиб дастуриамал бўлар эди. Дарсликни адади 1000 нусхада эканлиги унга бўлган талаб ва эҳтиёжни етарли даражада қондирмайди. Дарсликни кўп нусхада чоп этиш билан янада кўпроқ ўқувчининг маърифатини ошириш, онгини бойитишга эришиш мумкин. Бу билан сифат ва сонни тенг кўришга ҳам муваффақ бўламиз.



**Азиза УСМОНОВА,**
**Дурдона АЛИМОВА**

Таклиф

# ТАЙЁРГА АЙЁРЛИКМИ?

Айрим корхона раҳбарлари маҳаллий ишчилар етишмаслиги, кўплаб билаги кучга тўлган ёшлар енгил-елпи ишларга кетиб қолаётганлиги ҳақида куюниб гапиришади.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг аксарият ёшларимиз сомсапаз, мантипаз, нонпаз, кабобпаз, чойхоначи, пиво, сув, сигарет, музқаймоқ, ҳатто ўсмаю сақич, қўйингки хотин-қизларнинг ички кийимларини сотувчи бўлиб ишлаяпти. Уларнинг айримларини яхши танийман. Оиласи, ота-онаси, турмуш тарзи билан яқиндан танишман. Мўмай пул топишга ўзини урган бундай ёшлар осмондан тушган эмас. Қуш уясида кўрганини қилади. Улар ҳам худди ота-оналари сингари ҳар хил йўллар билан мўмай пул топиб данғиллама уй-жой қуриш, енгил автомашина сотиб олиш, етти даҳага овоза таратиб данғиллама тўй қилиш, қиз узатиб, ўғил уйлантиришни ният қилардилар. Сархил еб, қимматбаҳо кийимларнинг бирини ечиб, иккинчисини кийиб яшашга одатланган оилаларда ёшлар ота-онасидек, оғир меҳнатни эмас, балки енгил-елпи ишларга ўзларини урмоқдалар. Тайёрга айёр руҳида тарбияланган бундай ёшларнинг тер тўкиб, қўл қавартиб меҳнат қилишларига бўйни ёр бермайдилар. Меҳнатсиз мўмай пул топишга интилишади.

Бинобарин, бу борада маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кенгаши, ҳамда жамоа фаоллари ўз фаолиятларини мана шу соҳага қаратишлари керак. Лозим бўлганда, ибрат оладиган оилаларнинг турмуш тажрибаларини кенг оммалаштириш керак, ҳатто шу масалага бағишлаб ижодий учрашувлар ташкил этиш лозим. Вақти-вақти билан маҳалланинг ўзида келин-қайнона, ёш қизлар давраларини ташкил этиб, мана шу давраларда ўғил-қизларини одобли, инсоний қилиб камол топтираётган оила бошлиқларининг тарбия усуллари, одоб-ахлоқ ҳақида панд-насиҳатлар қилиб туриш, айниқса, ҳозир долзарб бўлиб турибди.

Маълумки, оила фарзандни вояга етиштиришда ва уларнинг ҳаёт йўлларини танлаб олишларида бетимсол мактабдир. Бу дорулфунуннинг одамга берадиган таълим-тарбияси ва маърифати ўрнини, менимча, ҳеч нарса тўлдира олмайди.

**Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ,**
**Сурхондарё вилояти**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 135-39-01, 41-52-72
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон КЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Ислом СУЛТОНОВ
®— тижорат белгиси.
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 555
Т: 3672
23456
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.